

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Бугун Қумқўрғон тумани "То'марис" тантаналар саройида "Уч авлод" учрашуви бо'либ ўтди. Учрашувда Нуруниялар жамғармаси Республика бошқарув раиси Ўзбекистон қахрамони, сенатор Содиқжон Турдиев, Вилоят Нуруний жамғармаси раиси, сенатор Орзуқул Соатов ва уч авлод вакиллари иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов сўзга чиқиб, нуруний отахон-онахонлар, ўрта авлод вакиллари ва ёш авлод вакиллари яқинлашиб келаётган "Наврўз" умумхалқ байрами билан табриклади.

Шунингдек Нуруниялар жамғармаси Республика бошқарув раиси Содиқжон Турдиев ҳамда Вилоят Нуруний жамғармаси раиси Орзуқул Соатовлар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар, тинч ва фаровон юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида таъкидлаб ўтди.

Учрашувда туман нурунийлар кенгаши, бувужонлар мактаби аъзолари, фаол нурунийлар, ўрта авлод вакиллари ва ёш авлод вакиллари бир пиёла чой устида самимий суҳбатлашишди. Кекса авлод вакиллари томонидан юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, босиб ўтилган машаққатли йўллар, халқимизнинг бирдамликдаги ҳарактлари, тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган кекса авлод вакиллари ҳаётлари сўзлаб берилди.

Сан'аткорларнинг куй-қо'шиқлари барчага байрамона кайфият улашди. Тадбир иштирокчиларига туман ҳокимлигининг эсдалик совг'алари топширилди.